





# ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

### Саволингизга ҳуқуқшунос Гофуржон Ғойибов жавоб беради

**САВОЛ:** агар ходим ўз ҳуқуқини тушунмасдан, иш берувчининг кистови билан ёки бошқа сабабларга кўра ишдан бўшаш аризасини ёзиб берган тақдирда уни қайтариб олиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, қанча вақт ичида?

**М.ЭРГАШЕВ,** Китоб тумани

**ЖАВОБ:** амалиётда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг кўп қўлланиладиган тури, бу ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан: ходимга иш шартининг маъқул келмаслиги, бошқа жойга яшаш учун кўчиб кетиши, ўқишга кириши, нафақа ёшига етиши ва ҳоказолар.

МКнинг 99-моддаси 1-қисмига биноан ходим, муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам (унинг муддати тугамасдан аввал), ноумийан муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам иш берувчини бу ҳақда икки ҳафта олдин огоҳлантириб бекор қилиши мумкин. Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат унинг ёзма равишда ёзган аризаси асос бўлади.

Меҳнат шартномасини МКнинг 99-моддасига асосан бекор қилишда фақат ходимнинг хоҳиши бўлиши талаб этилади. Агар меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимнинг хоҳиши эмас, балки уни ариза ёзишга мажбур қилган иш берувчининг ноқонуний ҳаракатлари (алдаш, қўрқатиш, меҳнат шартини яшириш ва унга ҳақ тўлашни асосиз ёмонлаштириш) сабаб бўлган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб топилади. Худди шундай йўлни суд амалиёти ҳам қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Олий Суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгарти-

асосан икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг меҳнат шартномаси бекор қилинмаган, меҳнат муносабатлари эса давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотди ва бу аризага биноан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл

## «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИШОНЧ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

қўйилмайди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш истогини эса ходим қўшимча ариза ёзиш йўли билан таъкидлаши лозим бўлади. Меҳнат Кодексининг 99-моддасига асосан огоҳлантириш муддати давомида ходим ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ходимнинг ёзган аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи охириги иш куни билан қўшиб ҳисобланганда, бундан огоҳлантириш муддати давомида сақлаб қолинади. Ходимга ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш рад этишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган ёки чиқарилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Ходим огоҳлантириш муддати (яъни, икки ҳафта) давомидаги ўзи истаган вақт ичида ва ҳеч қандай қаршисиз ишдан бўшаш ҳақида ёзган аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

**САВОЛ:** меҳнат тўғрисидаги ҳақдорларнинг ҳисоблаб чиқарилиши ҳақида қандай қарор қабул қилинган?

**Р.ШОМУРОДОВА,** Чуст тумани

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби»га биноан таътиллار вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорнинг (яъни ишбай асосида ишлаб топил-

сизда келтирилган. Бу қўйидаги тўловлар:

1. Ишлатилмаган таътил учун компенсация;
2. Ишдан бўшатиш нафақаси;
3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган ҳар хил пуллик тўловлар;

4. Компенсация тўловлари (хизмат сафари бўйича сулқалик ҳаракат пуллари ёки сулқалик ҳаракат пуллари ўрнига берилмаган тўловлар, ходимлар саломадлигига меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланишини қоплаш тўловлари);
5. Ходимларнинг айрим тоифаларига бепул бериладиган уй-жой, коммунал хизматлар, ёнлиги, йўл чипталари нархи ёки уларни қоплаш қўйиматлари;
6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа яқна тартибдаги ҳимоя во-

7. Бепул оқатлаш қўймати;
8. Оқатлаш учун дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга ва дам олиш уйларига йўлланмалар қўймати, турган кунлар, кўп йиллик ва ҳалол меҳнат фаолияти, жамол ишларидаги фаолияти ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлангириш тўловлари (мукофотлар);

# ТАЪТИЛГА ТўЛАНДИГАН ҲАҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ

### Саволингизга ЎЗКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

нинг) ўн иккидан бири (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бири) ва ҳоказолар; ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчилари учун ўндан бири) қўйлади.

Ижтимоий сурғура бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333 рақам билан рўйхатга олинган Низомнинг биринчи илова-

9. Бошқа ҳудудга ишлаш учун кўчиб ўтиш билан боғлиқ йўлчи-ра, мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни ижарага олиш харajatлари; қоплаш;
10. Доимий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда сулқалик ҳаракат пуллари ўрнига иш ҳақига тўланадиган қўшимча ва устамалар;
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказилган ҳақ тўланадиган иш кунларидаги (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш ҳақи;
12. Юбилей саналари, туғил-

**Бозор иқтисодиёти шартини да қорхоналарни ижарага бериш билан боғлиқ шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мумкин аҳамиятга эга.**

**Ҳўш, ижара шартномаси ва уни назорат қилиш қандай амалга оширилади?**

Ижарага бериш шартномаси бўйича томонлар ўртасида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкнинг комплекс сифатида бутун қорхонани ёки унинг бир қисмини муайян ҳақ эвазига бериш мумкин. Бунда мулк эгаси ўз қарзларини бошқа шахснинг зиммасига ўтказиш ҳақида кредиторларни ёзма равишда огоҳлантириши керак. Агар кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантириш олинган вақтдан бошлаб уч ой давомида тегишли мажбуриятларни бекор қилиш ёки муддатидан олдин бажариш ва шу тўғрисида иш берувчига зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли. Шунинг учун кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан кейингина қорхона топширилиши мумкин. Қорхона мулкнинг комплекс сифатида берилгандан кейин унинг таркибига киритилган ва кредиторнинг розилигисиз, ўтказилган қарзлар бўйича ўша қорхона эгаси жавобгар бўлади. Қорхоналар, цехлар, бўлимлар, фирмалар ва бошқалар ўшбу шартноманинг субъектлари ҳисобланади.

Ижарачилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг уни қабул қилишга ваколатли бўлган умумий йиғилишида ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Шундан сўнг жамоа шартнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни ваколат олган идорага юборди. Бу идора шартнома лойиҳасини олган, 30 кунлик муддат ичида қўриб чиқиб, ўз ҳулосасини беради.

Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига мувофиқ ирийдик шахс қонунда белгиланган бўлган айрим фаолият турлари билан фақат руҳанотнома асосида шуғулланиши мумкин. Шунинг учун бир қорхонанинг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус руҳанотнома асосида олган ҳуқуқлари иккинчисига топширилиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг 580-моддасида қорхоналарни ижарага олиш шартномасининг шакли белгиланган. Унга асосан шартнома томонлар ўртасида имзоланган ҳужжат тарзида ёзма тузилади ва у но тартиб гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Қорхонани ижарага бериш шартномаси икки томонлама бўлиб, ижарага бериш ҳисобланади. Шартнома консенсуал, яъни ҳақ бараварига тузилади. Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бериши шарт. Уни тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари


ролик кодексининг 553-моддаси 4-қисмида агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлгандан кейин ҳам ижарага олувчи ундан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага бериш шартномаси билдирмаса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади, деб қўрсатилади. Шунга кўра ХФ 2003 йилнинг 20 майига қадар Тош ЭМФ АЖга 17 миллион сўм миқдорда пул ўтказиб, билдирма мажбуриятларини маълум даражада бажарган. Шунинг учун АЖ умумий

# ИЖАРА ШАРТНОМАСИ у қандай амалга оширилади?

шартнома билан белгиланади. Шунингдек таъкидлаш жоизки, ҳўжалик судларида ижара шартномасига оид низоли ишларни ҳал этишда айрим умумоллар ҳам мавжуд. Қорхонани ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш, мажбуриятларга риоя этиш талаблари кўп ҳолларда бузилмоқда. Масалан, даъвогар хусусий тадбиркор Тошкент вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб: «Тошкент канопсанот сотиш» АЖ (Тош ЭМФ АЖ) ва жавобгар «Миршавкатбек» хусусий фирмаси ўртасида тузилган «Бино, иншоот ва мол-мулкни кейинчалик сотиб олиш шартини билан ижарага бериш тўғрисида»ги шартномани ҳақини эмас, деб топишни, вилоят давлат кадастрлари ягона тизими томонидан «Миршавкатбек» хусусий фирмасига берилган кадастр ҳужжатини бекор қилиш ва акциядорларнинг мулкка бўлган ҳуқуқини эътироф этишни сўраган.

Вилоят ҳўқимининг 157-сонли қарори билан тасдиқланган иловага мувофиқ намунавий шартномага асосан Тош ЭМФ АЖ билан «Миршавкатбек» ХФ ўртасида бир йил муддатга «Бино, иншоот ва мол-мулкни кейинчалик сотиб олиш шартини билан ижарага бериш тўғрисида»ги 20/3-сонли шартнома тузилиб, вилоят бинолардан фойдаланиш бошқармаси томонидан тасдиқланган. АЖнинг 2002 йил 22 апрел кунини навбатдан ташқари ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишида юқоридаги шартнома 84,43 фоиз овоз билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 553-моддаси 4-қисмида агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлгандан кейин ҳам ижарага олувчи ундан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага бериш шартномаси билдирмаса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади, деб қўрсатилади. Шунга кўра ХФ 2003 йилнинг 20 майига қадар Тош ЭМФ АЖга 17 миллион сўм миқдорда пул ўтказиб, билдирма мажбуриятларини маълум даражада бажарган. Шунинг учун АЖ умумий



Тўрткўл туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги ўн етти йилдан буён аҳолига сўт ва гўшт маҳсулотларини етказиб берапти. Бугунги кунга келиб, мажбур хўжалик имконияти янада кенгайтирилди. Эндиликда унда ўттиз икки гектар майдонда пахта, буғдой, беда, маккажўхори ҳам етиштириляпти.

Этмиш бериш боти қорамолнинг ўттиз боши соғин сугир. Хўжалик жамоаси сўт ва гўшт топириш режасини вақтида уйддалмоқда.

Тадбиркорлик тинимсиз меҳнатни талаб қилади, - дейди фермер Қолбой Ҳосилбеков. - Албатта, ҳар бир эгуи иш машаққатли бўлади. Сабр-бардош, ҳаракатгина ютуқлар томон элтади, янгиликлар яратишга имкон яратди. «Чорвадор» ана шундай мураккаблардан чиқиб олди, энди у юксаликка интиляпти.

Суратда: бузоқбоқар Индал Сержанов.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган сурат

# Эл соғлиғи - юрт бойлиғи

Меҳрибонлик уйи ва интернатлар тарбияланувчиларини йилда икки марта тиббий кўриқдан ўтказиб, бемор деб топилганларни соғломлаштириш, ногирон болалар саломатлигини доимий назоратга олиш чора-тадбирлари кўришмоқда.

Энг ибратлиси, туғруқ мажмуасида янги дунёга

нинг олдини олишда асосий омил ҳисобланади, - дейди марказий фиофиона бош врач Б.Ғўзибоев. - Бунинг тарафига соғломлаштириш, ногирон болалар саломатлигини доимий назоратга олиш чора-тадбирлари кўришмоқда.

Энг ибратлиси, туғруқ мажмуасида янги дунёга

Яна бир гап. Маъмурият ва касоба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган келишувга асосан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари диққат марказида бўлиб келмоқда. Уларга белгиланган миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Зарарли ишда меҳнат қилаётган 35 нафар ходимга устам иш ҳақи ўз вақтида тўлаб беришмоқда.

К.ОЛЛОЕВ, Т.ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбирлари

# ШИФОКОРЛАР маҳалла ва мактабларда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда

лакасини ошириш эса соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилли. Бу мақсадда ҳозирги пайтда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда 86 нафар шифокорлар 136 нафар ҳамширанинг малакасини ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, тонали мухтаассислар сонини ошириш бора-бора сезиларли ўзгаришлар кузатишмоқда.

Оила тизимини мустаҳкамлаш ва болаланин муҳофаза қилиш қаршилиқ оқ халатли халоскорларнинг бирламчи вазифалари қаторинда жой эгаллаган. Шаҳар даволаш-профилактика муассасалари томонидан 14 ёшгача бўлган болаларни ҳар йили бир марта,



# «ЭВРИКА-LEARN» ўқув маркази

Навий виллоятда истеъдодли ёшларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида «Эврика-Learn» ўқув маркази ташкил этилди.

дартларини ўқув жараёнига таъдиқ этишдек улкан маъсулият уларни тинимсиз яшашига, ўқитишининг самарали услубларини амалиётга таъдиқ этишга ундамоқда.

Ўқув марказига Америка, Австралия, Жанубий Корея

(ЎЗА)



### АЁЛ МАДҲИ

Хотин учун энг авло кийим - очик юзлик.  
**М. Жувайний.**  
Миллат келажаги - оналар кўлида.

**О. Бальзак.**  
Эр-хотиннинг жони иккита, нияти битта.

**Сервантес.**  
Аёл фидойилик нималигини тушунибгина қолмай, ўзи ҳам фидойилик нашидасини кўрсатишга қодир бўлган зот.

**И. Тургенев.**  
Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

**Ж. Польш.**  
Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

**Стендаль**  
Аёлнинг энг биринчи ва энг муҳим фазилати - беозорлик.

**Аёллар салтанати бу - меҳр, нозиклик ва сабр-тоқат подшолигидир.**

**Ж. Руссо.**

### Турмуш чорраҳаларида

Кечадан бери юраги сим-сим оғрийдди. Ўқтин-ўқтин бошига оғрик кирди. Дардини кимга ҳам айтсин. Енида меҳрибон киши бўлмас. Рисолат ая чўқур хўрсиниб кўйдди, беихтиёр ўқсик, синик овозда: «Меҳрибоним кетди-ю, меҳри кўзимдан кетмади...» Фарзандлари гўдаклигида уларга айтганидан аллақандай мисра эди бу... Мана қарийб қирқ йиллар ўтди. Фарзандлари ҳам қирқдан ошишди. У пайтда болалари ёш, она измидан чиқмас, гап қайтармас эди. Энди-чи!... Яна юраги сангандай бўлди. Эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, алланинг кейинги мисрасини ҳазин айтди. «Меҳрибоним йўқ учун ҳеч ким мени ёд этмади...»

Ойнаи жаҳонда гапираётган оқ халатли доктор: «Хавфдон касаллиги асабийлашиш оқибатида пайдо бўлади, айрим ҳолларда юрак-қон томири жароҳатланади...» дер эди. Рисолат ая беихтиёр бош силкиб тасдиқлади тўғри айтасан, ҳақиқатгина болам, кўнгил яраси битмас ярадир». Урдидан кўзга кўриди, ўз гавдаси ўзига оғир туюлди. «Куч қолмабди, дард қурсин-а» деб кўйдди. Бўлмас соппа-соғ юрган эди. Юрак ҳуружи тутди-ю дармонини қуритди.

Рисолат ая бунинг сабабини билади, билади-ю ичиди сир сақлайди. Уша куну у бомдод номозини ўқиб бўлган, нечундир оналарини эслади. Жойнамоз устида ўтган - кетганларга дуо ўқиди. Бирдан эшик шарақлаб очилди. Қараса, ўғли Сиддик. Она ўрдидан туриб, жойнамозини тахлар экан:

— Кел, болам, яхши ётиб турдингми? - меҳрибончилик билан сўради.

Бироқ Сиддикнинг қовоғи солиқ:

— Ҳа, болам, тинчликми, хавфдор кўринасан. Бу ёққа ўт, кўрпачага ўтир.

Хозир чой қуйвораман. Сиддик ўтирмади. Турган ерида онасига қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Ойи, сиздан хафаман. Хотинимни тинч кўйсизми, йўқми? - деди.

— Ҳа нима қилибман, - ҳайрон бўлиб сўради она.

— Хотиним укамниқига маърақага бормагани учун уни хафа қилибсиз. Борма-юрмабди-да, шунгайм ушимни аччиқ қиласизми, ишимиз бўлмасин, бизни тинч қўлинг!

— Булам, мен ҳавотир олиб, нега бормадимиз, дедим холос.

— Ўғил янаям тутоқиб кетди.

— Сўраманг, нега сўрай-

— Чакимчилик сиздан ўтиб менга келганича йўқ, ўғлимга ёлгон-яшиқни чақиб, болани ҳам, мени ҳам асабимизни қажшатдингиз.

— Шунани ҳам, бўлмаса ўғлингга сен ҳам чақиб, кўйдирвор қўлингдан келса, - бирданга жазаваси тутиб сен-сенлаб кетди, келин.

— Э, садкаи одам кет, сени одам деб гапириб ўтирибман-а, эсиз. - Она ундан юзини ўғирди.

— Хар қанча ўзини қўлга олишга ҳаракат қилмасин, улдасидан чиқолмади. Қизи ҳавотир билан сўради:

— Нима бўлди, ойи, рангингиз бир ҳолда?

— Ҳеч, ўзим, - сир бермади.

Уша воқеага кўп бўлмаганди. Она қалбини жароҳ-

## ОНА МЕҲРИ

йиглаб юборди.

— Ола-а. Шу етмай турувди. Тўхтагинг йиғини!

Бу можарони айвонда эшитиб турган келин лип этиб уйига кириб кетди. У ғалаба қозонган эди.

— Ажаб қилдим. Хали шошмай турсин. Кўнгил нозик. Қилмаган гуноҳига фарзандидан дўқ эшитди. Она ўша кеч мижа қокмай чикди. Кейинги икки кун ҳам изтироб чекиб, ўз ёғига ўзи қоврилди. Учинчи кун қизи кўнгироқ қилиб қолди:

— Ойи, бизниқига ҳам келинг, невараларингиз соғинишди, -

Қизининг илтимосидан негидир кўзига ёш келди. Она наридан - бери отланди. Ўғли ишга кетган. Келини уйда. Нима бўлганда ҳам айтиб кетай, кек сақлаш яхши эмас, деб ўйлади-да, ҳовлида ўйнаб юрган невараси Бахтиёрга:

— Онанинг чақир, тойчоғим, - деди. Келини кўзи ола-қула совуқ қараш қилиб кириб келди.

— Яна нима гап?, - Ҳеч гап йўқ, Салолат чақирувди, кетаялман, шунга айттай дедим.

— Қизингизга чаққаними? - пичинг қилди келин.

Рисолат ая ҳам овозини бир парда кўтарди:

ти битганича йўқ. Худди шу кунларнинг бирда она ойнаи жаҳонда шифокорнинг маслаҳатини тинглаб, қабида таскин топан эди. «Ке, қўй ўтган ишга саловат, болаларим нодонлик қилишди, ҳадеб ўйлайверма, деб ўғит берган бўлди ўзига ўзи. «Келининг ёмон бўлса, ўғлингдан ҳақ экан. Нодонгина боламиз қизингдан кўр» деганлари ҳақ экан. Нодонгина боламиз ақлинг расо бўлса ҳам кўнглинг бўш-да. Бир кунмас-бир кун тушуниб қоларсан. Одатда киз биронинг хасми дейишарди. Менинг ўғлим биронинг хасми бўлиб чиқди. Тугиб ўстирган, ўқитиб воғга етказган мен-у ўроқда йўқ, машоқда йўқ келин сеники эмас, меники деб айирса-я... Ҳа майли, сеники бўла қолсин. Жони эсон бўлса бас, ўйларди она.

Барибир оналар кечиримли бўлади. Рисолат ая қафтини очиб, ранжитган бўлса ҳам фарзандига узоқ умр тилади. Боланингнинг гуноҳини ўзинг кечир, дея тилак тилади. Кўнгли бироз ёришди.

**Фарида УСМОНОВА**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

### Истиқбол эгалари

Қорақалпоқ дийрида юзлаб истеъдодли спортчилар етишиб чиқмоқда. Нукус шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Нурсулв Бердақова ана шундай умид ниҳолларидан бири.

## ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Нурсулвнинг онаси Қизларгул опа ва отаси Гагарин оға фарзандларини бадий гимнастика билан шуғуланишини хоҳлар эдилар. Бир кун яқин қариндошлари, таниқли курашчи Ойсара уларниқига меҳмонга келиб, жияни билан дилдан сўхбатлашди. Ана шу учрашув боис қиз курашга қизиқиб, спорт саройидаги тўғарак машғулотларида қатнаша бошлади.

Туртинчи синфдагидаёқ тажрибали мураббий Ғайрат Бойниёзовдан сабоқ олди. Билими ва маҳорати ошиб, шаҳар ва республика мусобақаларида қатнашиш учун тавсия этилди.

Бундан икки йил муқаддам дэю-до бўйича Қорақалпоғистон биринчилигида, ўтган йили Тахтақўпир тумани ҳокими соврини учун республика турнирида ўз ёши ва вазида иккинчи ўринни эгаллади.

1990-91 йилда туғилган ёшлар ўртасида май ойида Фарғонада ўтказилган миллий кураш мусобақаларида 33 килограмм вазида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Шундан сўнг декабр ойида уюштирилган финал босқичида ғалаба қозониб, чемпионлик шох-супасига кўтарилди.

Болалар кураш саройига кириб борганимизда Орлобўйининг машҳур полвон қизи, талантли мураббий Гулмира Қаниёзова ёшлар билан машғулот ўтказётган

экан. Бош мураббий Сонсизбой оға Юсупов ўсимир полвонлар характерини синчиклаб кузатаяпти. Йўл қўйган камчиликларни жой-жойида кўрсатиб, кураш сирларидан воқиф этаяпти.

Болалар орасида Нурсулв дадиллиги, эҳтиллиги ва беҳосдан рақибига панд бериши билан ажралиб турибди. Чаққон ва тез ҳаракатлари билан кўз унғимизда шергини мағлуб этади. Ўзига ишончи кучли, қатъияти.

Келгусида Нурсулвнинг халқаро мусобақаларда қатнашиб, етук курашчи бўлишига ишонаман, - дейди биз билан сўхбатда устози Г. Қаниёзова мамнун кайфиятда. - Чунки шогирдим бир ишга киришдимми, уни сидқидилдан адо этади. Бошқа дугоналарини ҳам шунга чорлайди.

Кураш зали болаларнинг қий-чуви билан тўлган. Ғалаба қозонганларга олқишлар янграйди. Машқлар давом этмоқда. Машғулотларнинг фаол иштирокчиси, эндигина мучал ёшини нишонлаган қорақалпоқ қизи нафақат муҳир курашчи, балки мактабнинг аълочи ўқувчиларидан ҳисобланади.

Орзулари ойдин қиз Нурсулвнинг ҳаёт йўли ҳали олдинда. Агар кураш сирларини пухта ўрганиб, маҳоратини ошириб борса, доврўгли полвонлар сафидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

**ЁЛҚИН**

## БИР-БИРИГА ЎХШАМАЙДИ

18 ёшли Сэмми ва Хэтти Питерслар эгизаклар. Лекин Сэмми орасидан олти ёлга кичик кўринадди. Вазни ҳам 13 килограммга енгилроқ, бўйи эса 20 сантиметрга паст. Унинг сuti тиллари ҳали ҳам тушгани йўқ, кийим-кечақларини эса ҳамон бола-харид қилишди.

### Ажабо!

Ола-синийли 29 май (Буюк Британи) келишган. Ушанда шифокорлар Сэмми узоқ ашамаслигини айтишган, чунки у жудаям заиф ва кичкина эди. Туғилмасиданқо онаси етказиб бераётган барча озик моддалар у ксилородни ўзлаштириб олган «опаси» Хэттининг вазни 1 килограмм 928 грамм бўлса, бор-йўғи икки дақиқаданга кечикиб дунё юзини кўрган Сэммининг оғирлиги эса 624 грамм эди. Шунга қарамай, жажжи Сэмми жуда яшовчан қикиб қолди - шифохонада уч ой ётганидан сўнг уни уйга олиб кетишга ружат беришди. Оғирлик борасидаги фарқи у қисман йўқотишга эришди, аммо худди опасидек бўла олмади.

гиллар 1986 да Бримскоум ния)да дунёга

### Янгийўл туманидаги Гулбаҳор кўрғони марказида тадбиркор Олимжон Ёдгоров барчани хушнуд этиб, ёзув қуроллари ҳамда мактаб дарсликлари билан савдо қилувчи дўкон очди.

Эътиборли томони шундаки, бу дўкон кўрғондаги ана шундай махсулотлар билан савдо қилувчи ягона шох-хобчадир.

Бу ерда, шунингдек, китобсеварлар турли бадий адабиётларни ҳам харид қилиб олишлари мумкин.

Яна бир муҳим томони, мактаб ўқувчилари учун керакли адабиётлар арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда.



## КИШЛОҚДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАШҒУЛОТЛАРИ

Ромитан туманидаги «Нурафшон» ширкат ҳужалигининг клуб биноси қайтадан таъмирланиб, бадий гимнастика марказига айлантирилди. Унда бадий гимнастика билан шуғулланувчилар учун барча шароит мавжуд.

«1-вилот қурилиш» ҳиссасдорлик жамиятининг тумандаги 91-механизациялашган кўчма жамланмаси бинокорлари бу ерда 55 миллион сўмлик реконструкция ишларини амалга оширдилар.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилот филиали ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими маркази спорт анжумалари билан жиҳозлашга қатта улуш қўшди.

Марказда аэробика, ритмик гимнастика хоналари ҳам ташкил этилди.

(ЎЗА)

## КЎПНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ЧАҚАЛОҚЛАР

Уч йил муқаддам Хиндистонда думли болақай туғилди ва у тез орада маймунлар худоси - Хонумоннинг тимсоли сифатида бутун мамлакатга танилди. Одамлар унга сениншар, совғалар олиб келишарди.

2004 йил 22 августда France - Presse агентлигининг хабар беришича, туғилган пайтда болақайнинг думи унчалик узун бўлмаган, бор-йўғи 10 сантиметрга етган, холос. Шифокорлар чақалоқнинг умуртқа поғонаси одатдагидан узунроқ эканлигини, шунинг ҳисобига тананинг пастки қисмидаги ноодатий «қўшимча» пайдо бўлганини айтмоқдалар.

Камбоджалик қизалоқда эса маҳаллий шифокор меъёрдан четлашувчи ҳеч нарсага топанган йўқ. Бола соппа-соғ. Аммо қизалоқ ўта камбағал оилада дунёга келгани боис, ҳали ўзига исм қўйиб улгурмаслариданқок «нон топа» бошлади: юзлаб одамлар Свай-Хрум (Пномпеннинг жануби-шарқидан 120 километр)га бу муъжизани кўриш учун оқиб кела бошладилар. Уларнинг бари совға-саломлар келтиришар йки 70 риел (70 центга яқин) пул тўлашарди. Буддавийларнинг айтишича, қизалоқ ҳузурига ибодат қилиб, омад сўралса, илтижо бежавоб қолмас экан.

Маҳаллий Koh Santephear газетасида ёзилишича, чақалоқнинг онаси Сок Мао ҳомилдорлигида тушида бир қарияни кўрган экан. Қария аёлнинг қўлига митти маймунчани тўтказган ва бола улғайганида онасига бахтли тақдир ато этишини ҳам маъйум қилган.

**Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади**

## ЖУМАДА САФАРГА ОТЛАНАДИ

Бекатда автобус кутаётганим. Тўхтаган автобус эшиги очилди-ю, йўловчилар гуриллаб тушишди. Энг охирида қўлоқлари осилган кўмирдек қол-қора ит кўринди. Одамлар орасидан ўтиб дарё бўйига қараб чопкиллади.

— Қизик, эгаси йўқ, автобусга қандай чикиб олдикин? Енимдаги йўловчига қараб дедим.

Кўзойнак таққан кекса киши мийғида кулди.

— Бугун кун нима? - Жавоб ўрнига менга савол билан мурожаат қилган йўловчига ўғирлидим.

Жума. Хўш? Сўхбатдошим ҳамон жилмайиб турарди.

— Ит бизнинг маҳалладан, бу ердан ўттиз чақиримча олисда. Ҳар жума куну шу ёққа сафарга чиқишга одатланган.

— Нега? - яна ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Маҳалламиздаги охишна шу куну ишламайди. Бечора ит бугун ризикни дарё бўйидаги сарқитлар ҳисобига топади.

— Қайтишда-чи? Автобус рақамини ўқигани саводи бўлмаса керак. Шунча масофадан маҳаллани топиб борармикан?

Шеригимнинг кўзлари кўзойнак ичидан айёронга чақнади.

## Жониворлар ҳаётидан

риб йўлбошловчидек олдимга тушди. Мендан икки қадамча илгари кетарди. Уртага еганимизда қизил чирок ёниб қолди-ку! Ит энди бирон

эшитганларим оддий воқеага ўхшаб қолди. Сафарда эканимда меҳмонхонанинг ўн биринчи қаватдаги ётоғимизга кўтарилиш учун лифтни кутаётганим. Шундоқ эгинамда салкам бузоқдек келадиган ит келиб тўхтаганини кўриб сескандим. Кўпчилик эдик, сездирмадим. Лифт эшиги очилиб, кутаётганлардан бир гуруҳи ўзларини ичкарига уришди. Аммо тўрт оёкли шеригимиз кимир этмади. Узоқ кутмади. Яна лифт эшиги очилди. Уч кишидан кейин тўрт оёкли шеригимиз жой олди.

Мен танг қолганимча итти кузатардим. Қайси қаватга кўтарилимоқчи? Қаердан келяпти ва қаерга бормоқчи? Лифтнинг сарғимтир чироғи ўнинчи қаватни кўрсатганида эшик очилди. Бесўнақай сават тутган миктигина кампир ўрдидан кўззолганида ит ҳам «лип» этиб ўша қаватга ўзини урди. Енимдаги аёлнинг уқтиришича, ит ҳар кун икки маҳал пастга тушиб сайр қиларкан. У ҳам худди автобусда дарё бўйига оватланишига борган қариндошининг усули асосида иш тутаркан. Ўз қаватига яшовчиларга эргашиб қундалик машғулотини давом эттираркан.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ**

— Хозирги замон жониворларининг ҳақ ақли чақимас. Автобусдан тушаётганида менга қараб саломлашгандек мўлтираганини сезмадингиз. Маҳалладагиларнинг барчасини танилдим. Кун охирида бекатда автобус «пойлайди». «Танишлари»дан

— Утган ёз Тошкентга боришга тўғри келди. Сизга айтсам, эртанга ўхшашлиги мумкин. Аммо бор гап. Бош кўргазма олдида йўлни кесиб ўтаётганим. Светафорнинг яшил чироғи ёниши билан қабқандир юнги ўсиқ ит пайдо бўлди. Аввалига ақлироқ бўлса, йўловчиларга эргашиб нариги тарафга ўтмоқчидир, деб ўйладим. Лекин мени танг қолди-

транспортга урилиб адабини ейди, деб хавотирландим. Гапга тушунасизки, оғохлантириб қўйсанг. Шу чоғ кўзи тушган ит шартта тўхтади. Худди кимнидир кутаётгандек орқа оёқларини бүкиб ўтириб олди. Яшил ёниши ҳамон тагин йўлда давом этди.

Қойил қолганимни нариги томондагиларга билдирганимда, айтишди. Ит ишдан чиқаётган эгасини кутиб олгани кетаётган экан. Неча йилдири, серқатнов йўлни кесиб ўтавериб светафор чирокларига ҳам ўрганиб кетибди...

Рости, бекатдаги қўзойнакли йўловчининг гаплари гайритаъбиий туюлганди ўшанда. Сал ўтмасдан қўридаги ҳар икки мисолдан ҳам оқиб тўшадиганига дуч келдимки,

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибиат 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди -

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5